



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 24 май, №110 (3222)

Шанба


ПРЕЗИДЕНТНИНГ НАМАНГАНДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Фаргона водийсига сафарининг иккинчи куни — 23 майда Наманган вилоятига ташриф буюрди.

Наманган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, хусусан, пахтачилик ва галлачилик соҳасида мамлакатимизда ўз ўрнига эга вилоят. Бу йил вилоятда 94 минг гектар майдонга чигит, 78 минг гектар ерга галла экилган. Бу йилги ёгингарчиликнинг метёридан анча ортиқ бўлгани тўғрисида вилоятда ўза ривож ўтган йилги нисбатан бир мунча кечикмоқда.

Ислам Каримов Уйчи туманининг Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжалиги далаларини айланар экан, туман ва хўжалик раҳбарлари, деҳқонлар билан зарур агротехник тадбирлар орқали ўза ривожидида бундай кечикишни бар тараф этиш мумкинлиги ҳақида суҳбатлашди. Президентимиз фермерлар, ширкат аъзолари ва пулратчиларнинг даромадлари, турмуш шароити билан қизиқди.

Юртбошимиз хўжаликнинг бошоқлаб турган галлазорларини кўздан кечириш асосида миришкорларнинг ҳосилига барака тилади.



Шундан кейин мамлакатимиз раҳбари "NESTLE" Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасига ташриф буюрди.

Мазкур корхона ойига 1 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Юртбо-

шимиз табиий сут, бананли сут, газланган ва газланмаган маъданли сув, болалар озиқаси каби ўндан зиёд маҳсулот тайёрланган цехлардаги технологик жараёнларни кўздан кечирди. Ислам Каримов корхона мутасаддилари

ва мутахассислар билан мулоқоти чоғида қўшма корхона истиқболлари хусусида фикр-мулоҳазаларини баён этди. Президентимиз Наманган шаҳрининг Амир Темур кўчасида — 14 гектарлик майдонда бунёд этилаётган

“Ёшлар спорт мажмуи” қурилиши билан танишди. Маъмура таркибиди амфитеатр, сунъий кўл, аквапарк, спортнинг ўндан ортки тури бўйича клублар барпо этилиши мўлжалланмоқда. Давлатимиз раҳбари бу улкан дам олиш мажмуи келгусида вилоят аҳли учун муносиб истироҳат ҳамда спорт масканига айланиши учун қандай ишларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги хусусида ўз тақлифларини билдирди.

Юртбошимиз Шарқий ҳарбий округнинг Чортоқ туманида жойлашган сержантлар тайёрлаш мактабиди ҳам бўлиб, бу ерда барпо этилаётган объектлардаги ишларни тезлаштириш юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

Сержантлар армиясининг асосий суянчи ва таянчидир, — деди Ислам Каримов. — Бундай мактабларда таҳсил олган, сержантларимизнинг нафақат ҳарбий маҳорати юксалади, айни пайтда улар ҳарбий хизматни жон-дилидан севадиган, Ватанга хизмат қилишни қадрлайдиган инсонлар бўлиб вояга етади.

Мамлакатимиз раҳбари шаҳардаги “Паҳлавон” спорт мажмуини ҳам кўздан кечирди.

Шу билан Президент Ислам Каримовнинг Андижон, Фаргона ва Наманган вилоятлари бўйлаб сафари ниҳоясига етди.

Ғулом МИРЗО,
Илҳом РАЗЗОҚОВ,
Ўза Маҳсус МУБОШИР,
Абдувоҳид ТўРАЕВ
олган сурат.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасига

Азиз дўстлар!

Барчангизни — ишчилар, муҳандис-техник ходимлар ва хизматчиларни, бутун кўпмиллатли жамоани корхона ташкил этилганлигининг 70 йиллиги муносабати билан чин қалбидан самимий муборакбод этаман.

Авиация саноати давлатнинг илмий ва техникавий имкониятларини, унинг иқтисодий қудрати ва ҳавфсизлигини белгилаб берадиган асосий тармоқлардан биридир. Ўзбекистон саноатининг байроқдори бўлиш сизларнинг бирлашмангиз ўзининг бой меҳнат ананалари, ноёб ишлаб чиқариш базаси, гоёт катта интеллектуал салоҳияти билан ушбу жараёнга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳаётимнинг энг яхши йиллари ўтган ушбу корхонада юқори малакали мутахассисларнинг фидокорона меҳнати билан бунёд этилган қанотли машиналар деярли барча қитъалар узра парвоз қилиб, мустақил Ўзбекистоннинг шон-шухратини тобора юксалтирмоқда.

Бирлашмангиз Ильяшин номидаги тажриба-конструкторлик бюроси ва Ильяшин номидаги тажриба-конструкторлик ташиқлотлари билан йўлга қўйган самарали ҳамкорлиги турли хил ҳаво кемаларининг бутун бир туркумини ўзлаштириш имконини берди. Бутунги кунда замонавий, тублан янгиланган ИЛ-76 транспорт самолётларининг қўллаб ишлаб чиқарилаётгани, ўртача масофаларга учувчи, йўловчи ташийдиган, янги авлодга мансуб ИЛ-114 ҳаво лайнерини ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани — бутун бирлашма жамоасининг сабот-матонат ва кўнгил билан қилган меҳнати натижасидир.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, барча меҳмонларимизга — Россия Федерациясининг намоёндалари ҳамда улар орқали кооперация асосида ҳамкорлик қилувчи корхона ва ташки-

лотларнинг жамоаларига, Ильяшин номидаги тажриба-конструкторлик бюроси, Миль номидаги конструкторлик бюроси ва заводи вакилларига, Давлатларо авиация кўмитаси ва Россия қуролли қучларининг вакилларига, бир сўз билан айтганда, бутунги муваффақиятларга эришишда бирлашманги қўллаб-қувватлаган ва унга ёрдам берганларнинг барчасига алоҳида миннатдорлик ҳис-туйғуларини изҳор этаман.

Бундай муваффақиятларга иқтисодийнинг бозор моделига ўтишдек мураккаб шароитларда эришилгани, айниқса, диққатга сазовордир. Шу йиллар мобайнида бирлашмада ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш борасида тажриба тўпланди, жаҳон авиация техникаси бозорида қизғин иш олиб борилди. Бирлашма томонидан бутун дунёга машҳур “Бойнг” компанияси билан ўзаро манфаатли ишлаб чиқариш муносабатлари ўрнатилгани, жаҳон авиасолик саноатининг илгор вакиллари бўлган “Прайт энд Уитни”, “Коллинз”, “Эллайд Сигнал” фирмалари билан ҳамкорлик алоқалари болганганини таъкидлаш лозим.

Ишончим комилки, бирлашма меҳнат жамоаси бундан буён ҳам жаҳон авиасолиги билан фаол интеграциялашув жараёнида фаол иштирок этиб, ўз бурчига садоқат ва чинакам ватанпарварлик фазилатларини намоён этаверали.

Азиз дўстлар, ҳаммангизга чин қалбдан мустаҳкам соғлиқ, ишда янгилан-янги муваффақиятлар, оилангизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Самимий эҳтиром ва миннатдорлик туйғуларини билан

Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

“В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси” давлат акциядорлик жамиятининг етмиш йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга, ислохотларни амалга оширишга, республикамиз авиация саноатини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси ҳамда жамъий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуюро авиацияси ходими”
Усманов Мухтар Аҳмедович — бирлашмангиз бош штурмани

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими”
Аббасов Абдукарим — термик цехи бошлиғи
Меркулов Вадим Васильевич — 96-цех бошлиғи

Кўн йиллик самарали меҳнати ва мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, республикамиз саноатининг жорий этиши ва ўзлаштириш ишларидаги эришган ютуқлари, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлик фазилатларини намоён этганлиги ва жамъот ишларида фаол қатнашганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Меҳнат шухрати” ордени билан
Азимов Таҳиржон Ганиевич — механика-йиғув цехининг муҳандис-технологи
Галкин Юрий Михайлович — 95-механика цехининг бошлиғи
Ғаниев Қажрамон Қажрамович

Тошкент механика-йиғув заводи корхонаси бошлиғи
Итамбердиев Ўтқур Иргашевич — йиғув цехи чилангари
Казнов Михаил Игнатьевич — бирлашмангиз бош технологи
Кучеров Вадим Петрович — бирлашмангиз бош директори

Малли Умид Рахматуллаевич — бирлашмангиз бош метрологи
Шумский Александр Фёдорович — бирлашма бош энергетикнинг ўринбосари

“Дўстлик” ордени билан
Бегматов Нормаматқул — шасси цехининг йиғувчи-чилангари
Бурнаев Валерий Русланович — 30-механика-қўлпилаш цехи бошлиғи
Дё Наталья Хеновна — самолётларни бўяш цехи бошлиғи

Закирходжаев Анвар Далаханович — бирлашма бош технологи бўлимининг муҳандис-технологи
Косибаева Марина Владиславовна — бирлашмага қарашли Авиасозлар маданият саройининг балий раҳбари
Махмудов Радий Рахматович — 24-цехнинг парчилаб йиғувчиси
Мирзион Аркадий Гургенович — бирлашма бош конструктори бўлими бюроси бошлиғи
Новожилов Генрих Васильевич — Россия Федерациясиди “С.В.Ильяшин” номили

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2003 йил 21 май.

авиация комплекси”нинг бош конструктори
Рогова Елена Ивановна — ахборот-ҳисоблаш марказининг бюро бошлиғи
Солнев Фозил — бирлашмангиз Андижон механика заводи директори
Целовальников Александр Евгеньевич — 8-цехнинг темирчи-қўлпиловчиси
Циганков Александр Михайлович — бирлашмангиз программачи станокларни солаш бўлими соловчи-муҳандиси

“Шухрат” медали билан
Абдулаев Зафар Муратович — механика цехининг устаси
Бичкова Наталья Анатольевна — металлургия корхонасининг муҳандис-технологи
Добролюбова Галина Сергеевна — бирлашмангиз Фаргона механика заводи конструкторлик бўлими бошлиғи
Иванников Александр Иванович — бирлашмангиз бош механики

Ким Валерий Павлович — агрегат-йиғув цехининг устаси
Қуматов Шахидин Туррағалиевич — чилангарилик-пайвандлаш цехининг тоқари
Муратов Жапон Зия — бирлашма бош технологи бўлими конструкторлик бюросининг бошлиғи
Умиряков Хасан Хуррамович — тайёрлаш-қўлпилаш цехининг катта устаси
Файзуллаева Шохистахон Шукруевна — бирлашма тиббиёт-санитария қўшма 2-подклиникаси мудир

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат боххона кўмитаси органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

Кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, боххона органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат боххона кўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси хузуридаги Солиқ ва боххона органлари академиясининг “Боххона иш” факультети ва Ўзбекистон Республикаси Давлат боххона кўмитасининг Боххона коллежи негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат боххона кўмитасининг Олий ҳарбий боххона институтини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки: Олий ҳарбий боххона институти боххона иш соҳасида кадрларнинг базавий касб тайёргарлигини

амалга оширади;

Олий ҳарбий боххона институтига ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар маъмулотига эга бўлган шахслар қабул қилинади;

бакалаврлар тайёрлаш дастури бўйича тинловчилар 4 йил, магистрлар тайёрлаш дастури бўйича 2 йил ўқитилади;

тинловчиларнинг Олий ҳарбий боххона институтида ўқиб даври боххона органларидаги хизмати стажига қўшилади;

Олий ҳарбий боххона институтига Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Давлат боххона кўмитасининг раиси томонидан лавозим-

га тайинланган бошлиқ бошчилик қилади;

Олий ҳарбий боххона институти негизида боххона органлари ходимлари учун қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ташкил этилади.

3. Қуйидагилар Олий ҳарбий боххона институтининг асосий вазифалари ҳисобланади: кадрларнинг базавий касбий тайёргарлиги, уларнинг билимларни замонавий талаблар даражасида эгаллаши, боххона органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек тинловчиларда касб вазифаларини бажариш учун зарур бўлган барқарор ахлоқий-психологик фазилатларни қарор топтириш;

(Давоми 2-бетда).

Кўнғирок жаранги...

Бугун эрта тонгда мактабларда сўнги кўнғирок янгради. У кимнидир хурсанд қилди, кимнидир маҳзун тортирди.

Ким учундир у одатий туолди, ким учун эса у хайрлашув кўнғирогои бўлиб чалинди.



Кўнғирок жаранги мактаб билан хайрлашган ўқувчиларнинг дилини, кўнглини ларзага солган аниқ. Ун бир йил опа-сингил, ака-укадек бўлиб кетган синфдош-дўстлардан айрилиш осомни, ахир? Шунча йил ўқувчиларнинг “Кўнғирок” одам бўласан. Ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиш учун ҳам ўқининг керак, дея қайта-қайта такрорлашувчи гаплари шу дамда Кўнғирок жаранги билан яна бата тушди. Бу эди ўқинч бўлиб, армон бўлиб қолади

улар кўнғилда. Онаник бўлиб бошини силган, отаник бўлиб кўнглини сўраган бу меҳрибон, фаршамансол азиз устозлар билан хайрлашган бунча оғир бўлмас... Энди мактабда ўқимаслигини, гоҳо ҳатто ёқимсиз туюлган кўнғирок овозини эшитмаслигини, қардон синф парталарининг унсидан бунисига ўтиб, хоҳлаган синфдош билан мириқиб суҳбатлаша олмамлигини, ўқувчиларнинг гоҳо койиб, (Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Назорат-касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Назорат-касса машиналарининг техник ҳолати ва уларнинг тўғри қўлланилиши учун жавобгарликни ошириш, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Белгилашсинки, назорат-касса машиналарини мамлакатимизда ишлаб чиқарувчилар, уларни етказиб берувчилар ва улардан фойдаланувчилар, шунингдек

уларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш корхоналари фойдаланилаётган назорат-касса машиналарининг белгиланган техник талабларга муво-

фиқлиги, машинанинг даромад яширилишига кўмаклашувчи фискаль хизмат кўрсатувчи дастурининг ноқонуний ўзгартирилганлиги учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жавобгарликка бўлган тартибда жавоб берадилар.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКISTONNING КУМУШ ҚАНОТЛАРИ

Хорижий мутахассислар Ўзбекистон авиасолик саноати салоҳиятини дунё миқёсида юқори баҳоладилар. Бу самолётсозлик соҳасида улкан корхоналардан бири саналган “В.П.Чкалов” номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси” давлат акционерлик жамиятининг халқро бозорда эътироф этилаётгандала далолат беради. Бугун ушбу

завод ўзининг шонли 70 йиллик туғини нишонламоқда. Корхона тарихи 1932 йилдан бошланган. Ушанда Москва яқинидаги Химки шаҳрида 84-сонли авиация заводи ташкил этилган эди. 1936 йилда афсонага айланган учувчи Валерий Чкалов заводнинг бош учувчиси этиб тайинланди, келаси йили эса корхонага унинг номи берилди. 1941

йилнинг ноябрида завод Тошкентга кўчирилди ва икки ой ўтганда кура биринчи ҳарбий самолёт ишлаб чиқарилиди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронтга 2258 та ҳарбий машина етказиб берилди ва улар фашизм устидан қозонилган ғалабага катта ҳисса қўшди. (Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

республиканинг иқтисодий хавфсизлигини виждонан ҳимоя қилишга қодир бўлган ижтимоий фаол, ҳалол ходимларни тарбиялаш;
Ўқув-тарбия жараёнининг божхона органлари олдига турган вазифаларни ҳал этишга энг юқори даражада амалий йўналтирилганлигини таъминлаш, шунингдек замонавий ўқув технологияларини, амалий тайёргарликнинг интерактив шакллари ва усулларини жорий этиш асосида ўқув-тарбия жараёнини узлуксиз такомиллаштириш;
Божхона иши соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, божхона органлари фаолиятининг шакллари ва усуллари таъминлаштириш юзасидан тавсиялар тайёрлаш;
Божхона органлари учун кадрлар тайёрлашнинг илгор халқаро тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш, хорижий мамлакатларнинг шу каби ўқув бўлиналари билан амалий, методик айирбошлаш бўйича алоқалар ўрнатил;
Божхона иши соҳасида кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлаш;
Олий ҳарбий божхона институтининг таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув,

ўқув-методик, илмий, ахборот-маълумотнома адабиётлари тайёрлаш ва нашр этиш;
тингловчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлиги бўйича самарали ишларни ташкил этиш.
4. Белгилаб кўйилсинки: Божхона коллежида таълим олаётган курсантлар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дастури бўйича ўқишни қисқартирилган курс бўйича бир йил мобайнида ўша жойда тугалдирил;
Солиқ ва божхона органлари академиясининг "Божхона иши" факультети тингловчилари Олий ҳарбий божхона институтининг тегишли курсларига ўтказилди.
5. Олий ҳарбий божхона институтининг тузилмаси тасдиқлансин.
Олий ҳарбий божхона институтини бошлиқлар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг штаргдаги ходимлари сони, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг Божхона коллежининг мавжуд штаргдаги 66 нафар ходими ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Солиқ ва божхона органлари академиясидан берилган 46 нафар ходим ҳисобига 112 нафар (хизмат кўрсатувчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари) этиб белгилансин.
6. Олий ҳарбий божхона

институтининг бошлиқлари, профессор-ўқитувчилари таркиби ва тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси ходимларининг тегишли тоифалари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, имтиёзлар, буюмлар ва озиқ-овқат билан таъминлаш ҳамда бошқа зарур нормалар, шунингдек қизматни ўташ тартиби жорий этилади.
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси (Б.Парпиев) Мулофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (С.Ғуломов) ва Молия вазирлиги (М.Нурмуродов) билан биргаликда бир ой муддатда Олий ҳарбий божхона институтини тўғрисидаги низоми ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлансин.
8. Давлат божхона кўмитаси (Б.Парпиев) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (С.Ғуломов) билан биргаликда:
бир ой муддатда Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари асосида божхона иши йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув махсус таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлансин;
Давлат тест маркази билан келишган ҳолда бир ой муддатда Олий ҳарбий божхона институтига саралаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоми ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Рес-

публикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига тақдим этсин;
2003/2004 ўқув йили бошлангунча қалар Олий ҳарбий божхона кўмитаси институтига бакалаврлар тайёрлаш дастури бўйича 125 нафар тингловчи қабул қилинишини таъминласин.
2003/2004 ўқув йилида Олий ҳарбий божхона институтига бакалаврлар тайёрлаш дастури бўйича 125 нафар тингловчи қабул қилинишини таъминласин.
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси (Ж.Сайфидинов) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг маблағлари ҳисобига олинган мол-мулк ва автотранспортнинг тегишли қисми баланسدан баландга текин берилишини таъминласин.
10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (М.Нурмуродов):
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Солиқ ва божхона органлари академиясининг харажатлар сметаси ва штар жадвалига тегишли ўзгаришлар киритсин ҳамда Олий ҳарбий божхона институтини таъминоти учун бюджет маблағлари ажратилишини таъминласин.
2004 йилдан бошлаб

Олий ҳарбий божхона институтини таъминоти учун зарур маблағлар белгиланган тартибда ажратилишини назарда тутсин.
Белгилаб кўйилсинки, Олий ҳарбий божхона институтини бошлиқлари, иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва унинг моддий-техника таъминоти Давлат божхона кўмитасининг моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя қилиш ва божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жағмараси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.
11. Давлат божхона кўмитаси (Б.Парпиев) Молия вазирлиги (М.Нурмуродов) билан биргаликда Олий ҳарбий божхона институтини бир ой муддатда озиқ-овқат, ашёвий мол-мулклар, ўқув анжомлари, мебель ва қазарма жиҳозлари, озиқ-овқат хизмати ашёлари билан таъминлаш нормасини ҳамда тегишли автотранспорт воситалари таъминоти тасдиқлансин.
12. "Ўзгўштсусаноат" давлат уюшмаси, "Ўзлонмаҳсулот" давлат корпорацияси, "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзметасабзавотузумсаноат-холдинг" компаниялари ва "Ўздавахира" бош бошқармаси Олий ҳарбий божхона институтини таъминоти учун маблағларни ажратилишини таъминласин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

Тошкент шаҳри, 2003 йил 22 май.

И. КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Назорат-касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

2. Белгилаб кўйилсинки, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар физик хотирага хизмат кўрсатиш дастури бўзилган ҳолда техник талабларга мувофиқ бўлмаган назорат-касса машиналаридан фойдаланган тақдирда улардан солиқ органлари томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорда, қоида бузиш тақдорланганда эса — энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдорда жазима ундирилади.
3. Назорат-касса машиналарига техник хизмат кўрсатишни ва уларни таъмирлашни амалга оширувчи корхоналар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар уларни таъмирлаш ҳамда пломбалаш бўйича талабларга қатъий риоя этилиши учун жавоб берадилар, физикал хотирага хизмат кўрсатиш дастурларининг ноқонуний ўзгарилишини ҳоллари тўғрисида солиқ органларига дарҳол хабар қилишлари шарт.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисидаги янги низоми ишбу қарорга мувофиқ ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлансин.
5. Давлат солиқ кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валюта оид жиноятларга қарши курашиш департаменти назорат-касса машиналарини қўллаш ва улардан фойдаланишнинг белгиланган тартибга риоя этилиши устидан назоратни қўчайтирсинлар.
6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ишбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришларни таъмирлаш тўғрисида тақлифлар киритсин.
7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.А.Азизов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азизов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

Тошкент шаҳри, 2003 йил 23 май.

И. КАРИМОВ

25 май — Кимёгарлар кўни

НАВОЙИДА КАСБ БАЙРАМИ

Навоийи бежиз кимёгарлар шаҳри дейишмайди. Чунки бу ерда шу соҳага дахлдор бир қанча корхона, жумладан, "Навоийазот" очик турлаг и акционерлик жамияти фаолият кўрсатиб келмоқда.
Корхонада шу йилнинг ўтган даврида 28 миллиард сўмлик махсулот, жумладан 3,6 миллиард сўмлик халқ истеъмол моллари, қарийб 5 минг тонна, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,2 фоиз кўп суний тола ишлаб чиқарилди. Қишлоқ хўжалигига 300 минг тоннадан ортик минерал ўғит етказиб берилди.
Корхонанинг экспорт салоҳияти ҳам йилдан-йилга ошиб бораётир. Айни пайтда улар Германия, Туркия, Россия, Хитой, Эрон, Покистон, Украина каби 20 дан зиёд давлатга ўз махсулотларини экспорт қилмоқда. Жорий йилнинг шу даврига чет элга 1368 тонна аммиак, 2461 тонна нитрон толаси, 38 минг тонна аммиак сеилтраси, 784 тонна укесу кислотаси экспорт қилинди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир ярим баравар кўп.
Навоий шаҳридаги "Ширин" маданият саройида кимёгарларнинг касб байрами муносабати билан тантанали йилгилиш бўлди. Унда сўзга чиққанлар шарҳ кимёгарларнинг мамлакатимиз кимё саноатини ривожлантиришга қўшаётган улкан ҳисаси, бу борада "Навоийазот"чилар эришаётган ютуқлар ҳақида гапирди. Анжуманда иштирок этгаётган Хитой, Россия, Украина ва бошқа давлатлардан ташриф буюрган тадбиркорлар ҳам кимёгарларни касб байрамлари билан табриқлади. Йилгилишда бир гуруҳ илгор кимёгарлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.
Йилгилишда Навоий вилояти ҳокими Баҳриддин Рузиев, "Ўзкимёсаноат" давлат акционерлик компанияси раиси Урин Ҳасанов иштирок этди.

(Ў.А.)

Дехқон хўжалигига эътибор

Кеча Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институтига «Иқтисодийтеги эркинлаштириш ва аграр ислохотларни чуқурлаштириш шароитида дехқон хўжалиқларини ривожлантириш муаммолари» мавзусида илмий конференция иш бошланди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалик илмий ишлаб-чиқариш маркази томонидан ташкил этилган ишбу конференция қатнашчилари соҳа фаолиятини тартибга

Хосил КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кардиологлар анжумани

лаш вазирлигининг Бош кардиолог, профессор Р. Курбанов солиқни сўқаш тизимини ислох қилишда кардиология хизматини асосий вазифалари ҳиссада бағъида тўхтади. Анжуманида ўтказилган асосий мақсад юрак хасталиқларининг турли курашнинг давлолатида ишлаб чиқилган янги дилона, новартис, липримар, курантил,

дават акционерлик жамияти юбилейига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда республика-мининг вазирликлари, идоралари ва йирик корхоналари раҳбарлари, бирлашманнинг дунёнинг турли мамлакатларидан 600 нафардан зиёд ҳамкор тақлиф этилди. Байрамга корхонанинг минглаб ходимлари ҳам ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акционерлик жамияти ҳамкорлик қилиш шартини 70 йиллик тўйи муносабати билан йўлаган тадбирини

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ў.Султонов ўқиб эшиттирди.
Мамлакатимиз раҳбарининг Фармонига биноан бирлашма ходимларининг бир гуруҳи фахрий уюнолар, орденлар ва медаллар билан тақдирланди. Ҳукуматимизнинг юксак муқофотлари ўзининг кўп йиллик ҳудуд меҳнати билан шунга сазовор бўлган авиасозларга топширилди.

Ўзбек авиасозларининг шонли сана билан "С.В.Ильонин номидаги АК" очик турлаг и акционерлик жамияти бош конструктори Г.Новожилов кутлади. Таъкидлаш жоизки, мазкур жамият ноёб махсулотлар ишлаб чиқаришда Тошкент авиация бирлашмасининг яқин ҳамкори ҳисобланади.
Кўп минг сонли меҳнат жамоаси номидан Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори В.Кучеров Ўзбекистон Республикаси Президентини ва ҳукуматга ҳақон бозорларда мамлакатимиз шаҳрафини улуғлаб келгаётган авиация саноатига кўрсатилаётган мунтазам эътибор учун миннатдорлик билдирди.
Тантана ақунда ўзбек эстрада юдузлари ва ҳаваскор артистлар авиасозларга байрам концертни намойиш этди.

А. ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

Кеча Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика иқтисодлаштирилган кардиология маркази (РИКМ)да "Юрак қон томирлари тизими асосий касалликларини профилактикаси, диагностикаси ва давлолати таъминлаштириш ва кардиология хизмат фаолиятини мувофиқлаштириш" мавзусида мамлакатимиз кардиологларининг анжумани бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, профессор Ф. Назиров очди. РИКМ директори, Республика Соғлиқни сақ-

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КУМУШ ҚАНОТЛАРИ

лик авиасозларини доимо қўллаб-қувватлаб келди. Улар бугун мамлакатимизни жаҳонга нафақат авиация давлати сифатида танитмоқда, балки иқтисодий тараққиётимизга ҳам катта ҳисса қўшаёпти.



Корхона янги шароитларда хорижий таъминотчилар билан бевосита алоқалар ўрнатди, техника жиҳозларини модернизация қилиш учун зарур ашёларни сотиб олиш имконига эга бўлди. Ишлаб чиқариш қайта ташкирланган, уни диверсификация қилиш бошлаб кўборилди. Бугунги кунда ишлаб чиқариш суръати 2001 йилга нисбатан 1,5 баробар ошди.
Ташқи иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш ва кенгай-

Қўнғирок жаранги...

сиф битирувчиси учун бу қадран мактаб билан хайрлашув қўнғирок бўлди. Шу кун юртимиздаги 414 та касб-ҳунар коллежининг 241 тасида 26.800 нафарга яқин битирувчи мустақил ҳаёт оstonада турганини ҳис этган бўлса, ажаб эмас...
Қўнғирок жаранги — бу мамлакатимиздаги 9700дан ортик мактабда янгради. 545 мингта яқин тўққизинчи, 320 мингтадан кўпроқ уни биринчи

(Давоми. Боши 1-бетда).

гоҳ вазиимлик билан ўтади-ган сабоқларини сира-сирани эшитмасликни тасаввур қилиш жудам мушкул. Бирок бу оддий ҳақиқат, ҳаёт ҳақиқати...
Қўнғирок жаранги — бу мамлакатимиздаги 9700дан ортик мактабда янгради. 545 мингта яқин тўққизинчи, 320 мингтадан кўпроқ уни биринчи

Тадқиқотлар ҳаётий Ва самарали бўлсин

Мажлис ўтадиган залга кўшимча студлар кўйилаёпти. Демак, кўпчилик кутимокда. Хали йилгилиш бошланишига вақт борлигига қармай ташқариди одам гавжум. Улар тўп-тўп бўлишиб ўтказилажак тадбирнинг мавзусини муҳокама қилишмоқда.
Албатта, Олий Мажлис Ёшлар ишлари кўмитасида "Ёшлар муаммоларига оид илмий тадқиқотларнинг аҳоли ва истиқбол" мавзусида ташкил қилинган илмий-амалий конференция қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотиш табиий. Чунки жамиятимизда ёшлар билан боғлиқ барча масалалар доимий эътиборда.
— Биз ёшлар муаммолари ҳақида кўп ва кўп гапирамиз, — деди мазкур кўмита раиси Азамат Зиё тадбирини очиб маросимда. — Бонси, фарзандларимизнинг соғлом, баркамол улағиб, Ватан равақли, халқ учун хизмат қиладиган инсонлар этиб тарбиялаш барчамизнинг асосий вазифаларимиздан бири. Бугун ҳам шу йўналишда қандай илмий изтирданишлар олиб бораётгани, уларнинг мониторингини мавжуд ёки йўқлиги ҳақида фикрлашиб олиш учун йилгилик.
Дарҳақиқат, дунёнинг таррақий этган давлатларида ёшлар муаммоларини илмий тадқиқотлар орқали ўрганиш-

Салим ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.


Божхоначиларнинг учрашуви

